# Qishloq hayoti

Қишлоқ ҳаёти

2015 йил — Кексаларни эъзозлаш йили

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2015-YIL 28-AVGUST, JUMA, 104 (8497)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.


*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*

**ФАРМОНИ**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва миллий қонунчиликни такомиллаштиришга, фуқароларнинг қонуний манфаатларини, ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга, жамиятда ҳуқуқий маданиятни ошириш ва юқори малакали юридик кадрларни тайёрлашга қўшган катта ҳиссаси учун қуйидагиларга фахрий унвон берилсин:**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЮРИСТ»**

**Каршиев Хамдам Аликулович** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Ташкулов Акбар Джурабаевич** – Сирдарё вилояти Адлия бошқармаси бошлиғи

**Узаков Шухрат Шарапович** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари – Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори

**Улжаев Қаҳрамон** – Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьяси

**Эсанова Замира Нормуротовна** – Тошкент давлат юридик университетининг "Фуқаролик-процессуал ва хўжалик-процессуал ҳуқуқи" кафедраси мудири

**Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни таъминлаш, ёшларни миллий истиқлол ғояси ва она-Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси ҳамда ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги фаол иштироки учун фахрий унвон берилсин:**

**«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН ЁШЛАР МУРАББИЙСИ»**

**Проценко Сергей Николаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғи

**Мамлакат Қуролли Кучларининг жанговар тайёргарлигини оширишдаги хизматлари, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ва тинчликни таъминлаш, барқарорлик ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:**

**«МЕҲНАТ ШУҲРАТИ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Рустамов Одилхон Бакиевич** – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари

**II ДАРАЖАЛИ «ШОН-ШАРАФ» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Ибатходжаев Лазизхон Казимович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Каримов Акбар Абдисамиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Мирходжаев Азимжон Мирхосилович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бош бошқармаси ўта муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакили

**Саидов Бахтиер Йигиталиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари

**Янгибоев Боходир Абдирахмонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**«ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Игамова Мунира** – Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди судьяси

**Каипбергенов Ерпулат Тулепбергенович** – Қорақалпоғистон Республикаси прокурорининг ўринбосари

**Курбанбаев Есет Джамбулович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Куртбитдинов Абиджон Иноятович** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Х.Сулаймонова номидаги Республика суд экспертиза маркази Қашқадарё вилоятлараро бўлинмаси етакчи эксперти

**Очилдиев Сайфиддин Сайилович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги махсус отряди гуруҳ командири

**Хабиева Гюльфия Фаридовна** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси халқаро божхона ҳамкорлиги бошқармаси бўлим бошлиғи

**Шевелев Антон Анатольевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма бўлим катта штурмани

**«МАРДЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН**

**Абдурахимов Сардор Уринбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Аминов Кудрат Абдирасулович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взвод командири

**Джурабаев Фарходжон Алишерович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Нематов Элер Бахрамжонович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Холбеков Беҳзод Бошмонович** – Давлат божхона қўмитаси Самарқанд вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими бўлинмаси бошлиғи

**Эркинов Дониер Эркинович** – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Эшматов Алиер Тўхтабоевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**«ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН**

**Абдуллаев Окилжон Камолдинович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Абдурасулиев Турсинбай Идаитуллаевич** – Қорақалпоғистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Аллазов Дильмурод Тоштемирович** – Сурхондарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

**Аллаяров Фаррух Рустамбекович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**(Давоми 2-саҳифада)**

## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

*Мамлакатимиз мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, нуфузли халқаро ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат арбоблари ва ишбилармон доира вакилларидан самимий қутловлар келмоқда. Уларда давлатимиз раҳбарига бахт-саодат, омонлик ва муваффақиятлар, Ўзбекистон халқига тинчлик-осойишталик, равнақ ҳамда фаровонлик тилаб, чин дилдан эзгу истаклар изҳор этилган.*

*Америка Қўшма Штатлари Президенти Барак Обаманинг мактубида шундай дейилади:*

***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига***

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари!

1 сентябрда нишонланадиган Ўзбекистон мустақиллигининг 24 йиллиги муносабати билан Америка Қўшма Штатлари халқи номидан Сизга ва Ўзбекистон халқига самимий табрикларимни йўллайман.

Америка Қўшма Штатлари 1991 йилнинг 25 декабрида Ўзбекистон мустақиллигини тан олган пайтдан буён мамлакатларимиз ўзаро ишонч, ҳурмат ва ўзаро манфаатларга асосланган муносабатларни ривожлантириш мақсадида биргаликда ишлаб келмоқда. Биз давлатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни юксак қадрлаймиз. Қўшма Штатлар Ўзбекистон мустақиллиги ва суверенитетини ҳамиша қўллаб-қувватлаган, бинобарин, биз демократик, хавф-хатарсиз ва гуллаб-яшнаётган истиқбол йўлида Сиз билан биргаликдаги фаолиятни давом эттираверамиз. Мен келгуси йилларда икки томонлама муносабатларимизнинг янада кенгайишини сабрсизлик билан кутмоқдаман.

Миллий байрамингиз муносабати билан мамлакатингиз янада равнақ топишини тилаб билдирган энг эзгу истакларимни қабул қилгайсиз.

**Эҳтиром ила,**

**Барак ОБАМА,**
**Америка Қўшма Штатлари**
**Президенти**

*Шунингдек, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:*

Буюк Британия ва Шимолий Ирландия Бирлашган Қироллиги Қироличаси – **Елизавета II**

Ҳиндистон Республикаси Президенти – **Пранаб Мукержи**

Словения Республикаси Президенти – **Борут Пахор**

Португалия Республикаси Президенти – **Анибал Кавако Силва**

Болгария Республикаси Президенти – **Росен Плевнелиев**

Латвия Республикаси Президенти – **Раймондс Вейонис**

Туркманистон Президенти – **Гурбангули Бердимуҳамедов**

Арманистон Республикаси Президенти – **Серж Саргсян**

Жазоир Халқ Демократик Республикаси Президенти – **Абдулазиз Бутефлика**

*Қутловлар келиши давом этмоқда.*

**Истиқлол йилларида Жиззах вилояти хомашё етказиб берувчи ҳududдан саноатлашган, иқтисодиёти жадал равнақ топаётган гўшага айланди. Айниқса, Президентимизнинг "Жиззах" махсус индустриал зонасини ташкил этиш тўғрисида"ги Фармони воҳанинг саноат салоҳиятини ошириш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этган ҳолда рақобатбардош ва экспортга йўналтирилган юқори сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини яратди.**




**«Жиззах» махсус индустриал зонаси:**

## ҚУТЛУҒ САНА МУНОСИБ ҚАРШИЛАНМОҚДА

Чунончи, 2013 йил Махсус индустриал зонада инвесторлар учун муҳим аҳамият касб этувчи ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантириш даври бўлди. 17 километр узунликдаги автомобиль йўллари янгидан қурилиб, электр, газ, сув, оқова каби ташқи коммуникация тармоқлари юзага келтирилди.

Индустриал зонанинг Жиззах вилоятига тегишли қисмидаги илк корхона — "Қуёш иссиқлик энергияси" масъулияти чекланган жамияти шаклидаги қўшма корхона қуёш нури билан сувни қиздирувчи ускуналар (қуёш коллекторлари) ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

— Ускуналаримиз 150, 250, 300 литрлик идишлардаги сувни ёзда 70, қишда 40 даражагача қиздириш имкониятига эга, — дейди корхона директори Зуҳриддин Пармонов. — Улардан нафақат сувни қиздиришда, балки уйларни иситишда ҳам фойдаланиш мумкин. Бир йилда 50 минг дона маҳсулот тайёрлаш имкониятига эгамиз. Ускунанинг асоси – сув идиши ўзимизда ишлаб чиқарилади. Бўшлиқли қувурлари Хитойдан келтириляпти. Жорий йил охиригача 30 фоиз хомашёни ўзимизда тайёрлашни мўлжаллаяпмиз.

Корхонадаги мураккаб жараёнлар компьютер орқали бошқарилади. Мазкур қувват 39 та иш ўрнининг яратилиши учун омил бўлди. Ходимлар танлов асосида қабул қилинди. Бу жараёнда асосий эътибор касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига қаратилди.

— Бутун дунёда муқобил қувват манбаларига келажак энергияси сифатида қаралмоқда, — дейди хитойлик муҳандис Жау Юан Юан. — Чунки бундай усулда қувват олиш табиатга зарар етказмайди. Қолаверса, газ ва электр етказиб бериш қийин бўлган ҳудудларда муқобил энергия ускуналари энг қулай манбадир. Юртингизнинг қишин-ёзин қуёшли эканлиги коллекторлардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтиради.

Қуёш коллекторлари сув билан таъминланиш хусусиятига кўра, босимли ва босимсиз турларга бўлинади. Сув бўшлиқли қувурлардаги ультрабинафша нурларининг қуёш таъсиридаги ўзгаришлари ҳисобига қизийди. Идишнинг ҳимоя қопламасига эга эканлиги сув ҳароратининг пасайишига йўл қўймайди.

**(Давоми 3-саҳифада)**

## АЛЛОМАЛАРГА ЭҲТИРОМ

***"Шарқ тароналари" ўнинчи халқаро мусиқа фестивали иштирокчилари ва меҳмонлари Самарқанд шаҳридаги Амир Темур ва Алишер Навоий ҳайкаллари пойига гулчамбарлар қўйди.***



Президентимиз раҳнамолигида буюк аждодларимиз номини абадийлаштириш, уларнинг бой маънавий меросини ўрганиш ва тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Ватанимиз мустақилликка эришган 1991 йил юртимизда Алишер Навоий йили деб эълон қилиниб, буюк мутафаккир таваллудининг 550 йиллиги муносиб нишонланди. Бугунги кунда Самарқанд шаҳридаги марказий маданият ва истироҳат боғи Алишер Навоий номи билан юритилади. Алломанинг салобатли ҳайкали ўрнатилган мазкур масканда маданий-маърифий тадбирлар, мушоира ва адабий кечалар ўтказиш анъанага айланган.

1996 йилда Соҳибқирон бобомиз таваллудининг 660 йиллиги муносабати билан Самарқанд шаҳрида Амир Темур ҳайкали ўрнатилди. Ушбу ҳайкалнинг очилиш маросимида давлатимиз раҳбари Самарқанд шаҳрига Амир Темур орденини топширди ва 18 октябрни шаҳар куни сифатида нишонлашни таклиф қилди. Шундан буён ҳар йили ушбу сана кенг нишонланади. Шу куни ва бошқа байрам тадбирларида буюк аждодимиз ҳайкали пойи анвойи гуллар билан тўлади. Самарқандга ташриф буюрадиган юқори мартабали меҳмонлар, нуфузли делегациялар халқимиз ва давлатимизга бўлган эҳтиромларини мазкур мажмуани зиёрат қилиш билан ҳам изҳор этади.

Дунё халқлари ўртасида дўстлик алоқаларини мустаҳкамлаш, уларнинг миллий мусиқа маданияти ва санъатини тарғиб этишга хизмат қилаётган "Шарқ тароналари" мусиқа фестивали иштирокчиларининг Амир Темур ва Алишер Навоий ҳайкаллари пойига гул қўйиши ҳам мазкур анжуман доирасидаги муҳим тадбирлардан биридир. Ер юзининг турли минтақаларидан келган санъат аҳли Самарқандни йирик илм-фан, санъат ва маданият марказига айлантирган соҳибқирон Амир Темур ва буюк мутафаккир Алишер Навоий даҳосига ҳурмат кўрсатади.

– Буюк саркарда ва давлат арбоби Амир Темур ҳақида маълум бир тушунчага эга бўлсам-да, бу улуғ зотнинг давлатчилик фаолияти, илм-фан ва маданият раҳнамоси сифатида амалга оширган ишлари тўғрисида кам билардим, – дейди Словениянинг "The Balkan Rog" гуруҳи раҳбари Мосик Жоран. – Кеча ва бугун шаҳардаги тарихий обида ва музейларга саёҳат давомида бу борада кўп маълумотлар олдим. Амир Темурнинг, айниқса, санъат аҳлига алоҳида эътибор кўрсатгани, саройида тез-тез мусиқа анжуманлари ўтказиб тургани халқингизнинг мусиқа маданияти тарихи узоқ ўтмишга бориб тақалишидан далолатдир. Шу жиҳатдан бугун нуфузли халқаро форумга айланган "Шарқ тароналари" фестивали қатнашчиларининг бу заминда камолга етиб, дунёда довруқ қозонган алломалар ҳайкалини зиёрат қилиши чуқур рамзий маънога эга.

**F.ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

**ЭЪТИРОФ**

**Перси Йип ТОНГ, мусиқий директор (Маврикий):**

*– Самарқанддаги бетакрор тарихий ёдгорликлар ва муқаддас қадамжолар, кенг кўламли қурилиш ва ободончилик ишлари ҳайратланарли. Шаҳар кўчаларини кезар эканмиз, тарих ва бугуннинг ўзаро уйғун манзараларига гувоҳ бўлдик. Ўзбек халқининг аждодлар мероси, миллий қадриятлар, анъаналарга содиқлиги таҳсинга сазовор. Одамлар чеҳрасидаги қувонч, фахр ва ифтихор, хотиржамлик юртингизда ҳукм сураётган тинчлик, осойишталик ва фаровонлик ифодасидир.*

***Ўзбекистон Республикаси Президентининг***
**ФАРМОНИ**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЙИГИРМА ТЎРТ ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

**Арапов Алибек Усеркулович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Астанов Санжар Саматович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ахмедов Мухаммад Мирзажонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Барлибаев Бахром Норжигитович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Бойхуджаев Гайрат Хуснидинович** – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи

**Джураев Маъсуд Косимович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Жумабоев Темур Махаммадович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Жумаев Санжар Абдисаламович** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Жумаев Ҳаким Хусанович** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва терроризмга қарши курашиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Жуманиёзов Ғуломбек Исмайилович** – Хоразм вилояти Урганч шаҳар ички ишлар бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта йўриқчиси

**Кадирова Дурдонахон Рустамовна** – Андижон вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Қўчқаров Рахмон Бурхонович** – Давлат божхона қўмитаси Наманган вилояти божхона бошқармаси “Наманган аэропорт” чегара божхона пости катта тезкор вакили

**Мамажонов Анваржон Эргашевич** – Фарғона вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси бўлинма бошлиғи

**Маматожиев Дилмуроджон Тўлқинович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Маъмуров Умиджон Эгамназарович** – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Мирзабдуллаев Шавкат Каримжанович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара райони бошлиғи

**Нарзикулов Содиқ Камолович** – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Нишанов Адхам Ахмаджонович** – Наманган вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди катта мутахассиси

**Нурмаматов Зафар Мамаражапович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Нуруллаев Тимур Бахриллоевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Разақов Бархаётжон Муротович** – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси алоҳида вазифаларни бажарувчи сафарбар отряди гуруҳ командири

**Расулов Нуриддин Эргашалиевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг гуруҳ йўриқчиси

**Рахматов Бобир Ғайратович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Рузиев Бекзод Шухратович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби чегара пости бошлиғининг ўринбосари

**Рўзиев Шухрат Шокирович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сатторов Азизжон Абдусаломович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сирожиддинов Зафар Рустамович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Убайдуллаев Иззатилла Файзулло уғли** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби мутахассиси

**Умирзаков Шухратбек Болтаходжаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хаитов Бунед Товашарович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ҳошимов Дилшод Қуддусович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хусанов Тахиржан Бахтиярович** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ўта оғир жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Чоршанбиев Дадахон Аликулович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби мутахассиси

**Юнусов Бекзод Хасанович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

### «СОДИҚ ХИЗМАТЛАРИ УЧУН» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдурахимов Туланбой Артикович** – Андижон вилояти Жалолқудуқ тумани давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

**Акамуродов Фарход Абдилазизович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби мутахассиси

**Акрамов Вохиджон Захиджонович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлар Академияси Марказ бошлиғи

**Алимов Олимжон Якубджанович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Алламуратов Хожиакбар Файзуллаевич** – Сурхондарё вилояти Олтинсой тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Артиков Марат Урумбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим бошлиғи

**Аскаров Анвар Алимбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Асфандияров Равиль Маратович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги хизмати катта муҳандиси

**Атаханов Бахром Базарбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Ахмедов Давронбек Юрсуналиевич** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги халқаро-ҳуқуқий бошқарманинг халқаро арбитражлар масалалари бўйича ахборот-таҳлил гуруҳи раҳбари

**Бабарахимов Ғуломжон Мадаминович** – Фарғона вилояти Ички ишлар бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Байназаров Дильмурад Нурматович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Ганиев Толибжон Валижонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Давлатов Бекзод Мамасолиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Дониеров Шерзод Рустамович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби назоратчиси

**Дусанов Нурали Шерматович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Сержантлар тайёрлаш мактаби цикл бошлиғи

**Жалолов Миркодир Мирхожиевич** – Тошкент шаҳар Миробод тумани ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлими бошлиғининг ўринбосари

**Илесов Махмуд Улмасович** – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Давлат фельдъегерлик хизмати муҳим топшириқлар бўйича катта инспектори

**Камолов Бобур Камолович** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Курбацкий Алексей Александрович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти Марказ бошлиғи

**Кутлимуратов Мирза Жуллибаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент ахборот технологиялари университети Махсус факультети бошлиғининг ўринбосари

**Матякубов Аброрбек Низамаддинович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби мутахассиси

**Мирзаев Сирожиддин Валиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Муратов Дониер Шодибаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Муродуллаев Зоиржон Абдуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти йўриқчиси

**Мусаев Гулямджан Каримович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси Режим ва кадрлар билан ишлаш бош бошқармаси бош мутахассиси

**Нураддинов Оринбасар Турсинбаевич** – Қорақалпоғистон Республикаси Шуманай тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Обидов Баходирхон Мансурхонович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби мутахассиси

**Рашидов Истам Багирович** – Самарқанд вилояти прокуратураси прокуратура органлари тергов тармоқлари фаолияти устидан назорат бўлими бошлиғи

**Рузматов Фарходжон Муродович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бошқарма хизмат бош муҳандиси

**Саидов Абдусобиржон Абдурахмонович** – Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ахборот-коммуникация технологияларини татбиқ этиш бошқармаси бошлиғи

**Саттаров Умиджон Иброхимович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим катта офицери

**Узаков Аброржон Каримович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командирининг ўринбосари

**Файзиев Нуралли Фазлиддинович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм секция командири

**Хикматуллаев Самандар Юсуфжанович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Фуқаро муҳофазаси институти кафедра бошлиғи

**Шарипов Уктам Нормуминович** – Жиззах вилояти Зомин тумани ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси бошлиғи

**Шорахимов Хакимжон Абдукаюмович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Институти ўқитувчиси

**Яхеев Бахтиер Турдибаевич** – Навоий вилояти прокурорининг халқаро-ҳуқуқий масалалар бўйича катта ёрдамчиси

### «ШУҲРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН

**Абдуллаева Дилдора Кабилджановна** – Тошкент шаҳар Чилонзор тумани адвокатлар ҳайъати адвокати

**Адашбоев Бахриддин Мехриддинович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ командири

**Бабаязов Равшан Шарипович** – Хоразм вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

**Бобожонов Отагалди** – Жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди судьяси

**Боймирзаев Адхамжон Акрамович** – Наманган вилояти Чортоқ тумани ички ишлар бўлими жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўлинмаси катта тезкор вакили

**Ботирова Умидахон Хамражоновна** – Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани прокуратураси катта нозири

**Бурханов Илхом Халбутаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинма бошлиғи

**Вагнер Александр Яковлевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги бўлим катта офицери

**Гулов Дилшод Дилмуродович** – Навоий вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони милиционери

**Ельчин Евгений Евгеньевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командирининг ўринбосари

**Жамалов Илхомжон Тулқинович** – Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи “Ватанпарвар” ташкилоти Чортоқ тумани кенгаши раиси

**Зарипова Гаухар Сарсенбаевна** – Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик суди судьяси

**Ибрагимов Илхам Искандарович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ командири

**Ибрагимова Дилорам Ахмедовна** – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Каримов Азамат Саъдуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қоплонов Шомурод Баротович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Курбанов Мансур Нарбутаевич** – Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

**Кучкарова Дилфуза Насретдиновна** – Қашқадарё вилояти прокурорининг вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўйича катта ёрдамчиси

**Кучкоров Зухриддин Очилович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм мутахассиси

**Маликов Хаким Каримович** – Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Қуйи Чирчиқ тумани суди раиси

**Мамиталиев Мухриддин Рахмидинович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби дивизион командири

**Мартинова Марина Сергеевна** – Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг молия-хўжалик бўлими бошлиғи

**Махмудов Иброхим Бустонович** – Самарқанд вилояти Каттақўрғон тумани маҳалла фуқаролар йиғини “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси раҳбари

**Муминов Рахматилла Холматович** – Сурхондарё вилояти Шўрчи тумани маҳалла фуқаролар йиғини “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси раҳбари

**Мусаев Қобилжон Қаюмович** – Фарғона вилояти прокуратураси судларда фуқаролик ишлари кўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими прокурори

**Мухамедов Батир Кахраманович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мухамедова Зебинисо Иброхимовна** – Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бухоро вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи

**Пиримкулов Элмурод Норзуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм хизмат катта муҳандиси

**Попандопуло Светлана Константиновна** – Тошкент шаҳар Яшнобод тумани прокурорининг катта ёрдамчиси

**Разаков Ойбек Олимжонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ мутахассиси

**Рахманова Дилрабо Шариповна** – Урганч ҳарбий-академик лицейининг ўқитувчиси

**Рахматов Алишер Хамедович** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлинмаси бошлиғи

**Рахматов Зафар Туйчиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ катта механиги

**Рузиев Аслиддин Иззотуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисми гуруҳ командири

**Суяров Навруз Абдакимович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм катта техниги

**Тураев Саттор Туфлиевич** – Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди йўриқчи-қутқарувчиси

**Ҳайдаров Мурод Мардонович** – Бухоро вилояти Коғон тумани маҳалла фуқаролар йиғини “Маҳалла посбони” жамоат тузилмаси раҳбари

**Хакимов Жамшид Мамаджанович** – Сурхондарё вилояти Узун тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи

**Хакимов Мухторжон Махмуджонович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Халилова Моҳира Садирдиновна** – Навоий вилояти Навбаҳор тумани фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси

**Хасанова Мамура Урмановна** – Тошкент вилояти Оҳангарон тумани давлат солиқ инспекцияси давлат солиқ бош инспектори

**Худойкулов Фарход Эшкувватович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм гуруҳ секция командири

**Шойзаков Иброҳим Тиллабердиевич** – Жиззах вилояти Давлат солиқ бошқармаси бўлим бошлиғи

**Эргашев Восилжон Юнусович** – Фарғона вилояти Бешариқ тумани давлат солиқ инспекцияси бўлим бошлиғи

**Эримбетов Мансур Худайберганович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Эрматов Эркинбай Каршибаевич** – Суд ижрочиларининг Тошкент вилояти Олмалиқ шаҳар бўлими бошлиғи

**Юсуфхўжаев Иззатиллахон Умидулла ўғли** – Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар божхона бошқармаси “Бош почтамт” ташқи иқтисодий фаолият божхона пости бошлиғи

**Якибжанов Хамид Гадигарбекович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округи бўлим бошлиғи

**Ўзбекистон Республикаси Президенти** **И.КАРИМОВ**

*Тошкент шаҳри,*
*2015 йил 27 август*

# ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ

**Самарқандда “Шарқ тароналари” X халқаро мусиқа фестивали доирасида “Шарқ халқлари мусиқа маданиятининг муштараклиги” мавзусида халқаро илмий-назарий конференция бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон, АҚШ, Хитой, Буюк Британия, Корея Республикаси, Япония, Германия, Нидерландия, Норвегия, Туркия, Сербия, Литва, Венгрия, Исроил, Ўмон, Кувайт, Миср, Эрон, Озарбайжон, Афғонистон ва бошқа мамлакатлардан санъатшунос ва маданиятшунослар, тарихчи олимлар, хонанда ва бастакорлар, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистон маданият ва спорт ишлари вазири Баҳодир Аҳмедов, ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Эрик Фалт ва бошқалар Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ташкил этилган “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивали халқлар ўртасидаги маданий алоқаларни ривожлантириш, мумтоз куй-қўшиқларни тиклаш ва тарғиб этишга хизмат қилаётганини таъкидлади.

Ҳар гал фестиваль доирасида ўтказилаётган илмий анжуманлар жаҳон халқлари мусиқа санъати тарихи, анъаналари ва ўзига хосликларини ўрганиш ҳамда оммалаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

“Шарқ халқлари мусиқа маданиятининг муштараклиги” мавзусига бағишланган бу галги конференцияда турли мамлакатлар мусиқа санъати ривожланиш босқичларини ўрганиш, улардаги ўхшаш жиҳатларни таҳлил этиш, шу орқали халқларнинг яқинлиги ва дўстлигини тарғиб қилиш мақсад қилиб қўйилган.

– Ўзбекистоннинг мусиқа санъатини ривожлантириш, миллий мусиқани ўрганиш, тарғиб қилиш ва келгуси авлодга етказиш борасидаги хайрли ишлари таҳсинга сазовор. Бунинг учун Президент Ислом Каримовга миннатдорлик билдирамиз, – деди ЮНЕСКО Бош директорининг ўринбосари Эрик Фалт. – Ўзбек мусиқа маданиятининг дурдоналари бўлган Шашмақом, Катта ашула халқаро миқёсда юксак баҳоланиб, инсониятнинг номоддий маданий мероси рўйхатига киритилган. “Шарқ тароналари” халқаро мусиқа фестивалининг мазмун-моҳияти ЮНЕСКО мақсадларига ҳамоҳангдир. Шу боис ташкилотимиз бу анжуманни кенг қўллаб-қувватламоқда.

Халқаро анжуманда Шарқ мусиқашунослиги ва манбашунослигини, турли халқлар мусиқа маданияти муштараклигини ўрганиш борасида санъатшунос олимлар томонидан олиб борилаётган илмий тадқиқотлар хусусида сўз юритилди. Бу борада олимлар ўртасида ўзаро ҳамкорликни янада ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

– Буюк ипак йўлининг марказида жойлашган Ўзбекистон Шарқ мусиқа санъатининг дунё бўйлаб ёйилишида муҳим ўрин тутган, – деди Япониянинг “Мин-Он” мусиқа ва санъат халқаро уюшмаси президенти Кабаяши Хирояши. – Бунга турли мамлакатлар мусиқашуносларини жамлаган мазкур халқаро анжуман ишида яна бир бор ишонч ҳосил қилдик. Конференция турли миллатлар санъатининг муштарак жиҳатларини тадқиқ этиш, уларнинг халқлар ўртасидаги ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашдаги таъсирини кучайтиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.



Анжуманда қадимий цивилизация марказларидан бири бўлган Ўзбекистоннинг Шарқда мусиқа маданияти ривожланиши ва ёйилишида алоҳида ўрин тутгани таъкидланди. Мамлакатимизда миллий мусиқа санъатини ривожлантириш, мумтоз куй-қўшиқларни асраб-авайлаш, ёш авлодларга безавол етказишга қаратилаётган эътибор самаралари қайд этилди.

– Шарқ халқларининг куй-қўшиқлари азалдан уйғун бўлган, – деди санъатшунослик фанлари доктори, Ўзбекистон давлат консерваторияси профессори Рустамбек Абдуллаев. – Шарқ мусиқа маданиятининг шаклланиш, ривожланиш босқичлари, анъаналарнинг бугунги ижрочиликдаги ҳолатини ўрганиш ғоят муҳим. Бу масалага нафақат Шарқ олимлари, балки ғарбликлар ҳам катта қизиқиш билан қарайди. Мазкур конференцияда ана шу омил чуқур таҳлил қилиниб, бу борада олиб борилган илмий изланишлар муҳокама этилди. Айни пайтда ёш олимларнинг илмий ишларига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Халқаро илмий-назарий конференцияда “Шарқ халқлари мусиқа маданияти анъаналари ва замонавийлик”, “Шарқ халқлари маданиятида мусиқа ижодиётининг умумийлик хусусиятлари”, “Марказий Осиё мусиқасининг Европада қабул қилиниши”, “Ўзбек мумтоз мусиқаси”, “Темурийлар даври чолғуси – “шидирғу”га янгича назар”, “Мусиқий Ўзбекистон: янги давр моҳияти” каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Конференциянинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА махсус мухбири.**

# ҚУТЛУҒ САНА МУНОСИБ ҚАРШИЛАНМОҚДА

**(Боши 1-саҳифада)**

"Жиззах" МИЗда фаолият кўрсатаётган яна бир саноат қуввати — "Auto pad systems" МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонасида 30 хил русумдаги енгил автомобиллар ҳамда 40 хил русумдаги юк машиналари учун тормоз колодкалари тайёрланяпти. Корхона республикамизда ишлаб чиқарилаётган барча турдаги енгил ва юк машиналари ҳамда хориждан келтирилаётган транспортларни бу турдаги эҳтиёт қисмлари билан тўла таъминлай олади. Жумладан, бурғулаш техникалари ва тоғ-кон металлургияси соҳасида қўлланилаётган улкан юк машиналари, автобуслар, поездлар ҳамда метрополитен вагонлари учун ҳам колодкалар тайёрланмоқда. Марказий Осиёда ягона бўлган мазкур корхонада бир ойда енгил машиналар учун 30 минг жуфт, юк машиналари учун эса 20 тонна колодка тайёрлаш имконияти яратилган.

"Master screw systems" корхонаси маҳсулотлари ҳам улкан қурилишлар майдонига айланган. Мамлакатимизда анчайин харидоргир бўлиши, шубҳасиз. Ушбу саноат қувватида 20 миллиметрдан 65 миллиметргача бўлган 10 турдаги бурама михлар тайёрланади. Мазкур маҳсулот ишлаб чиқарилиши учун аввал сим шаклидаги хомашё муайян узунликда кесиб чиқилади. Кейин тилиниб, мустаҳкамликка эришиш учун 380 даража иссиқликда тобланади. Корхона бир ойда 250 тонна бурама мих ишлаб чиқариш қувватига эга. Шунингдек, бу ердаги 12 та дастгоҳда ойига 140 тонна профиль маҳсулотлари тайёрлаш йўлга қўйилди.

— Ҳозирча маҳсулотларимизни ички бозорга чиқаряпмиз, — дейди корхона раҳбари Абдулҳай Қодиров. — Келажакда экспорт қилишни мўлжаллаяпмиз. Айни вақтда 64 та дастгоҳда қора бурама мих ишлаб чиқараётган бўлсак, келгусида маҳсулотимизнинг оқ ранглисини тайёрлашга эришамиз. Иқтисодий имкониятларимиз кенгайиши билан янги ускуналар келтириш режалаштирилган.

"Master bilding products" корхонасида эса 10, 16, 20 атмосфера босимига чидамли ярим пропилен иссиқ ва совуқ сув қувурлари ҳамда уларни боғлашда қўлланиладиган фитинглар ишлаб чиқарилади. Корхона ойига 750 тонна юқори сифатли қувур ишлаб чиқариш қувватига эга. Фитинглар тайёрлаш дастгоҳларида бир соатда ҳажми ва турига кўра 700 тадан 800 тагача маҳсулот тайёрланади. Ушбу дастгоҳларда 120 турда фитинглар тайёрлаш имконияти бор. Эътиборлиси, ускуналар замонавий бўлиши билан бирга, тежамкордир. Хусусан, электр сарфи кам. Бу маҳсулотларнинг арзон ва харидоргир бўлишини таъминлайди.





Корхона маҳсулотларини хорижга чиқариш устида иш бошлаб юборилган. Фойдаланилаётган хомашё сифати ҳамда илғор технология бундай имкониятни беришига жамоанинг ишончи комил. Эҳтиёж ортиши билан иш икки навбатда ташкил этилади.

Ҳудудда барпо этилган тикув машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Juita gulshani" корхонасининг ишга туширилиши учун 2 миллион 400 минг АҚШ доллари сарфланди.

— Президентимизнинг "Жиззах" махсус индустриал зонасини барпо этиш тўғрисида"ги Фармонида кўзда тутилган имтиёзлар чет эллик ишбилармонларнинг қизиқишини орттириб, фаолиятимизнинг жадаллашувига туртки бўлди, — дейди корхона раҳбари Равшан Бобоев. — Дастлабки аҳдлашувдан сўнг саноат қуввати учун бино ҳозирладик. Хитойлик ҳамкорларимиз эса ускуналарни етказиб беришди. Ўз навбатида, Япониянинг таниқли "Juita" компанияси технологиясига хос тикув машиналарини йиғиш ва уларнинг эҳтиёт қисмларини тайёрлашни ўрганиш учун бир гуруҳ ёшларимиз Хитойдаги шу турдаги заводга юборилди. Сўнгра улар вилоятдаги бир қанча коллеж битирувчиларига бу касб сирларини ўзлаштиришга ёрдам бердилар. Бугун ички ва ташқи бозорга саноатлашган тикув машиналарини чиқариш имкониятига эга бўлдик. Мамлакатимиз, қолаверса, қўшни давлатлар енгил саноатида муҳим аҳамиятга эга бундай корхона Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Айни вақтда хорижлик ҳамкорлар билан мамлакатимизнинг турли ҳудудларида сервис марказларини ташкил этиш ва 1 миллион АҚШ доллари қийматидаги маҳсулотни чет элга экспорт қилиш бўйича иш олиб борилаётир.

Корхонада уч хил турдаги тикув машиналари ишлаб чиқарилмоқда. Дастлабки йилда енгил саноат корхоналарига 10 минг дона тикув дастгоҳи етказиб бериш мўлжалланяпти. Умуман олганда, бир йилда 15 мингта тикув машинаси ишлаб чиқариш имконияти яратилди.

— Айни вақтда 53 та иш ўрни яратишга муваффақ бўлдик, — дейди корхона иш бошқарувчиси Хуршид Собиров. — 2018 йилгача яна 4 турдаги саноатлашган тикув дастгоҳлари ҳамда 50 фоиз бутловчи қисмларни ўзимизда ишлаб чиқаришни мўлжаллаяпмиз. Шунга яраша иш ўринлари сони икки баробарга ортади. Яқин кунлар режасидан қўшимча инвестиция киритиш ҳамда бу маблағ ҳисобидан тикув машиналарининг чўян корпусини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ўрин олган. Бунинг учун чўян қуйиш цехи фаолияти йўлга қўйилади. Маҳаллийлаштириш дастури асосида дастгоҳлар учун стол-стуллар тайёрлашга киришиляпти.

Янги корхона туфайли эндиликда юртдошларимиз тикув машиналари сотиб олиш учун хорижга чиқиш, шартнома тузиш, бож ва солиқ тўловлари билан боғлиқ ташвишлардан қутуладилар. Бу йилига ўртача 2 миллион АҚШ доллари миқдоридаги валютани тежаш ҳамда мазкур йўналишда экспортдан фойда олиш имкониятини юзага келтиради. Табиийки, ички бозорда тикув машиналарининг нархи арзонлашади.

Мустақиллигимизнинг 24 йиллиги арафасида эса "Жиззах ҳудудий электр тармоқлари" корхонаси ҳамда Жанубий Кореянинг "OWELL" корпорацияси билан ҳамкорликда "Ёрқин чироқлар" корхонаси фаолияти йўлга қўйилди. Лойиҳа қиймати икки ярим миллион АҚШ доллари бўлган мазкур саноат қувватида тежамкор светодиод лампалар ишлаб чиқарилмоқда. Корхона жамоаси томонидан жорий йилнинг учинчи чорагида 21 минг дона светодиод лампалар тайёрлаш кўзда тутилган.

Корхона мутахассислари эҳтиёжга кўра маҳсулот турини ўнтадан оширишни режалаштиришган. Бундан ташқари, янги линиялар ишга тушиши билан ишчи ва муҳандисларнинг Жанубий Кореяда тажриба алмашишга юборилиши кўзда тутилаётир.

Ушбу корхоналарнинг фаолияти йўлга қўйилиши учун 38,7 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди. Бу йил Махсус индустриал зонанинг Жиззах вилоятига тегишли қисмида яна олтита қувватни ишга тушириш мўлжалланмоқда. Чунончи, яқин кунларда электр жиҳозларини тайёрловчи корхона ишга тушади. Йил сўнгигача видео ва IP телефонлар, оптик толали тармоқлар учун интернет тезлигини оширувчи бутловчи қисмлар, телекоммуникация ускуналари, телевизор, музлаткич, кондиционер, чангютгич, иситиш плиталари, полипропилен иплар ва гилам ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мўлжалланаётир.

**Алижон АБДУСАТТОРОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

Миллий матбуот марказида Республика "Оила" илмий-амалий маркази томонидан "Мустақил юртнинг мустаҳкам оилалари" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

# МУСТАҲКАМ ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

Унда фарзанд тарбиясида оила маънавияти, баркамол авлодни вояга етказишда қадриятларимизнинг ўрни, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва профилактика инспекторларининг ҳамкорлиги, оилада кексаларга бўлган ҳурмат-эътиборни янада мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳақиқатан ҳам жамиятнинг қандай қарор топиши кўп жиҳатдан оилага боғлиқ. Негаки, жамият бамисоли бир тана бўлса, оила унинг юрагидир. Юракдан танага тарқаётган қоннинг тозалиги танани бақувват ва соғлом тутади. Шу сабабли, ҳар бир оиланинг хотиржамлиги ва фаровон эканлиги, ундаги фарзандларнинг яхши тарбияланганлиги ва соғломлиги давлатнинг бақувват ва келажаги порлоқ бўлишига асос бўлади.

Юртимизда оила маънавиятини юксалтириш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш, оила ва никоҳнинг барқарорлигини таъминлаш, ота-оналарнинг фарзандларини баркамол қилиб тарбиялашдаги масъулиятини ошириш, оиладаги долзарб муаммоларнинг ечимларини топишда самарали ишлар амалга оширилмоқда.

Республика "Оила" илмий-амалий маркази томонидан ҳам бу борада кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида юртимизнинг деярли барча ҳудудларида оила институти, оила мустаҳкамлиги, репродуктив саломатлик масалаларига бағишланган 40 га яқин давра суҳбатлари, учрашувлар, анжуманлар ташкил этилди, 9 номда оила бахти, никоҳнинг муқаддаслиги, кексаларни эъзозлаш, аёл саломатлиги, соғлом она ва соғлом бола мавзуларида буклетлар тайёрланди. ОАВда оила мавзусида туркум кўрсатувлар ташкил қилинди, 40 дан ортиқ илмий-оммабоп ва халқаро миқёсдаги мақолалар эълон қилинди.

Анжуман давомида "Фарзандингизга муносиб исм қўйинг", "Эгиз мўъжиза учун алла", "Оилада маънавий ахлоқий тарбия", "Ажралишнинг олдини олиш бўйича психологик тавсиялар", "Ёшларда хулқ оғиши ва тарбия бузилишининг олдини олиш бўйича психологик маслаҳатлар", "Оилада ҳуқуқий саводхонликни ошириш бўйича тавсиялар", "Оилада шахслараро муамолани ташкил этиш психологияси", "Ўзбекистон оилавий ҳуқуқларни ҳимоя қилишнинг кафолатлари", "Оила мустаҳкамлигининг сир-асрорлари" номли рисола ва қўлланмаларининг ҳам тақдимоти бўлиб ўтди.

Анжуман сўнгида соҳа мутахассислари журналистларни қизиқтирган барча саволларига атрофлича жавоб қайтаришди.

**Нафиса РАИМҚУЛОВА**

○ **Реклама ва эълонлар**

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## АНДИЖОН ШАҲАР «МАРКАЗИЙ ДЕҲҚОН БОЗОРИ» АЖ ҚОШИДАГИ МАРКАЗИЙ ҚУРИЛИШ ДИРЕКЦИЯСИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЛОТ-1:

**ЛОТ 1-1. Андижон шаҳри Фитрат кўчасида жойлашган "Марказий деҳқон бозори" АЖ ҳудудидаги мавжуд биноларни реконструкция қилиш ҳамда янги бино ва иншоотлар қурилиши (1-қават гўшт ва гўшт маҳсулотлари, 2-қават қуритилган мева маҳсулотлари).**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1.513.632.122 сўм, ҚҚСсиз 1.261.360.101 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 120 кун.

**ЛОТ 1-2. Андижон шаҳри Фитрат кўчасида жойлашган "Марказий деҳқон бозори" АЖ ҳудудидаги мавжуд биноларни реконструкция қилиш ҳамда янги бино ва иншоотлар қурилиши (1-қават сут ва сут маҳсулотлари, 2-қават уруғчилик ва зираворлар).**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1.166.009.539 сўм, ҚҚСсиз 971.674.615 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 120 кун.

**ЛОТ 1-3. Андижон шаҳри Фитрат кўчасида жойлашган "Марказий деҳқон бозори" АЖ ҳудудидаги мавжуд биноларни реконструкция қилиш ҳамда янги бино ва иншоотлар қурилиши (1-қават балиқ сотиш учун раста, 2-қават озиқ-овқат маҳсулотлари).**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1.222.344.197 сўм, ҚҚСсиз 1.018.620.164 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 120 кун.

**ЛОТ 1-4. Андижон шаҳри Фитрат кўчасида жойлашган "Марказий деҳқон бозори" АЖ ҳудудидаги мавжуд биноларни реконструкция қилиш ҳамда янги бино ва иншоотлар қурилиши (1-қават гуруч ва дон маҳсулотлари, 2-қават озиқ-овқат маҳсулотлари).**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1.125.120.037 сўм, ҚҚСсиз 937. 600.030 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 120 кун.

**Буюртмачи:** Андижон шаҳар "Марказий деҳқон бозори" АЖ қошидаги Марказий қурилиш дирекцияси.

**Манзили:** Андижон шаҳри Фитрат кўчаси 246-уй.

**Молиялаштириш манбаси:** Тадбиркорларнинг ҳомийлик маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

*Бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.*

*2014 йилнинг 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади.*

*Бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг танлов (тендер) савдоларида Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотларнинг иштироки тавсия хусусиятига эга ҳисобланади.*

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

**Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:** қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Андижон шаҳри А.Навоий шоҳ кўчаси 30-уй. Тел/факс: 223-57-05.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилган санадан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

МУЛКЧИЛИК ШАКЛИДАН ҚАТЪИ НАЗАР, БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

## АНДИЖОН ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ ҚОШИДАГИ «ДЕҲҚОН БОЗОР» ҚУРИЛИШ ДИРЕКЦИЯСИ ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ЛОТ-1:

**ЛОТ 1-1. Андижон шаҳри Фитрат кўчасида жойлашган "Марказий деҳқон бозори" АЖ ҳудудидаги мавжуд биноларни реконструкция қилиш ҳамда янги бино ва иншоотлар қурилиши (Нон маҳсулотлари, мева ва сабзавот, кўкат ҳамда дуккакли дон сотиш учун раста. Ертўла-совиткичли омборхоналар ва омборхоналар).**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 4.273.925.703 сўм, ҚҚСсиз 3.561.604.753 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 120 кун.

**ЛОТ 1-2. Андижон шаҳри Фитрат кўчасида жойлашган "Марказий деҳқон бозори" АЖ ҳудудидаги мавжуд биноларни реконструкция қилиш ҳамда янги бино ва иншоотлар қурилиши (1-қават ўтиш жойи, 2-қават озиқ-овқат дўконлари).**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 300.536.871 сўм, ҚҚСсиз 250.447.393 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 120 кун.

**ЛОТ 1-3. Андижон шаҳри Фитрат кўчасида жойлашган "Марказий деҳқон бозори" АЖ ҳудудидаги мавжуд биноларни реконструкция қилиш ҳамда янги бино ва иншоотлар қурилиши (Маъмурий бино ва савдо дўконлари).**

**Объектнинг бошланғич нархи:** ҚҚС билан 1.169.750.362 сўм, ҚҚСсиз 974.791.968 сўм. **Ишларни тугаллаш муддати** – 120 кун.

**Буюртмачи:** Андижон шаҳар ҳокимлиги қошидаги "Деҳқон бозор" қурилиш дирекцияси.

**Манзили:** Андижон шаҳри Буюк Турон кўчаси 4 -уй.

**Молиялаштириш манбаси:** кредит маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

*Бошланғич қиймати 500 миллион сўмгача бўлган қурилиш ва реконструкция қилиш объектлари бўйича танлов савдолари фақат кичик бизнес субъектлари ўртасида ўтказилади, бошқа тенг шароитларда кичик бизнес субъектлари афзалликка эга ҳисобланади.*

*2014 йилнинг 1 июлдан бошлаб марказлаштирилган капитал қўйилмалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларига фақат Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади.*

*Бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштириладиган объектларнинг танлов (тендер) савдоларида Қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотларнинг иштироки тавсия хусусиятига эга ҳисобланади.*

**Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга жавоб бериши керак:** танлов савдолари предметининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик – муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

**Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлов савдоларида қатнашаётганда танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий талабгорларга қуйидаги нарх кўрсаткичлари ҳисобга олинади:** қатнашчиларнинг танлов таклифларини баҳолаш ва ўтказишда қонун ҳужжатларига мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларнинг таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – **Андижон вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази**га қуйидаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин: Андижон шаҳри А.Навоий шоҳ кўчаси 30-уй. Тел/факс: 223-57-05.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи – 100 000 сўм.

Таклифлар (офёрталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати – офёрталар очилиши куни ва соати.

Танлов савдолари эълон матбуотда чоп этилган санадан 30 кун ўтганидан сўнг юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

## АГРОТЕХНИКА



- Беларус 80Х ~ Беларус 82.1 ~ Беларус 1025
- Боғ ва ферма учун тракторлар
- Занжирли тракторлар
- Прессподборщик
- Ғўзапоя ўрадиган комбайн
- Ўт ўрадиган комбайн
- Макка ўрадиган комбайн
- Жўхори йиғувчи комбайн
- Косилка КИР 1,5
- Сомон йиғувчи мосламалар
- Картошка терадиган комбайн
- Картошка экадиган комбайн
- Буғдой экадиган сеялка
- Чигит экадиган сеялка
- Дори сепадиган мосламалар
- Сачратиб суғорувчи мосламалар
- Ем майдалаб тарқатувчи техника
- Культиваторлар
- Плуг, айланма плуг, дискали плуг
- Чизель, борона
- Экскаватор-юкловчи, бульдозер
- Хандак ковловчи, чукур казувчи техника воситалари

(+99871) 150-58-58
150-68-68
Сайт: www.sninvest.uz
E-mail: info@sninvest.uz
SN INVEST
Маҳсулотлар сертификатланган, хизматлар лицензияланган. Буюртма асосида

"DENOV" Савдо таъминот ишлаб чиқариш корхонаси (СТИР 202597801) ташкилий-ҳуқуқий шакли (таъсисчининг 27.08.2015 й.даги 1-сонли йиғилиш қарорига асосан) "DENOV" МЧЖга ўзгаришини маълум қилади.

"XALQ SUG'URTA" МЧЖ СК томонидан "Дилсўз Шахзода Хуш Замини" МЧЖ номига берилган 0064350, 0066581-сонли полис бланклари йўқолганлиги сабабли ўз юридик кучини йўқотган ҳисобланади.

"NOVA IMPEKS" МЧЖ шаклидаги хорижий корхонасининг (СТИР 302927118) устав фонди 1 200 000,00 АҚШ долларидан 700 000,00 АҚШ долларигача камайтирилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент ш. Учтепа т. М.Шайхзода кўч. 1 а уй.

"MEGAPOLIS CHAIN NTU" МЧЖнинг (СТИР 205819655) ташкилий-ҳуқуқий шакли (таъсисчиларнинг 27.08.2015 й.даги 1-сонли йиғилиш қарорига асосан) "MEGAPOLIS CHAIN NTU" оилавий корхонасига ўзгартирилади. Даъволар Тошкент ш. Учтепа т. Шароф кўч. 24-уйда қабул қилинади.

Тошкент ш. Ҳамза т. ТСРЎИ томонидан (реестр № 005172-07, 04.07.2014 й.) рўйхатга олинган "TEXNO BARAKA SERVIS" МЧЖ (СТИР 302932563) тугатилади (ўзини ўзи тугатиш тўғрисидаги 27.08.2015 й.даги 1-сонли қарор). Кредиторлар ва дебиторлар даъволари 2 ой муддатда 392-09-55 тел. орқали қабул қилинади.




"MARVEL DRY FOODS" МЧЖ "CELOSIA" МЧЖ билан қўшилишини маълум қилади. "MARVEL DRY FOODS" МЧЖ "CELOSIA" МЧЖнинг барча масалалари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади.

Тошкент ш. Яшнобод т. ТСРЎИ томонидан (24.10.2014 й., реестр № 005322-07) рўйхатга олинган "LEASE AGREEMENT" МЧЖнинг устав фонди 623 050 000 сўмдан 23 050 000 сўмга камайтирилади.

Тошкент давлат аграр университети раҳбарияти ва жамоаси университетнинг "Қишлоқ хўжалигида менежмент" кафедраси доценти Зоҳид Сиддиқовга укаси **Зокир СИДДИҚОВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНЛАРИ ҲАҚИДА ҲИКОЯЛАР

## Ўзбекистон Қаҳрамони Аваз ҲОСИЛОВ:

# «БИЗ КЎНГЛИ ТОҒ ОДАМЛАРМИЗ!»

**Шундай юртдошларимиз борки, уларнинг фидойилиги, ташаббускорлиги, ғайрат-шижоати фақатгина элу юрт манфаатига асқотибгина қолмай, уларнинг бу хислатлари бошқаларга ҳам юқади, ибрат бўлади. Кишилар беихтиёр уларга ўхшагиси, уларнинг ёнида ишлагиси келади. Бундай инсонлар элни ўз ортидан эргаштиради, жамоани шакллантиради. Уларни ободликка, бунёдкорликка йўналтира олади.**



Алишер ИСРОИЛОВ (ЎзА) олган сурат.

> Ҳар куни, ҳар соатда фидойи бўлиш, ўзини томчи ва томчи, заррама-зарра буюк мақсадлар сари чарчамай, толиқмай тинимсиз сафарбар этиб бориш, бу фазилатни доимий, кундалик фаолият мезонига айлантириш – ҳақиқий қаҳрамонлик аслида мана шу.
>
> **Ислом КАРИМОВ**

Каттақўрғон туманидаги “Ҳосил” фермер хўжалиги раҳбари Аваз Ҳосилов ана шундай инсон. Унинг босиб ўтган ҳаёт йўли, фаолиятини таҳлил этсангиз бунга амин бўласиз. У фермерлик ҳаракати эндигина бошланган, бу ҳаракат келажагига ҳали биров ишониб, биров ишонмай турган кезларда, яъни 1992 йилда у ҳеч ким талабгор бўлмаган ерларни олиб, “Ҳосил” фермер хўжалигини ташкил этди. Бу ишларни бошлаш учун бир даъват, яъни Юртбошимизнинг бу борада олға сураётган ғоя ва йўл-йўриқлари, имкониятлари унга катта куч-қувват бўлди. Олий маълумотли агроном эмасми, йўл-йўриқларни тез англади. Ўтган даврда хўжаликда ўсиш суръатлари барқарорлиги таъминланди. Даромад ошгани сайин хўжаликнинг ҳам, аъзоларининг ҳам манфаатдорлиги ошиб борди. Энг муҳими, хўжаликнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Тракторлар, механизмлар, агрегатлар олинди. Хўжалик эртасига ишонч пайдо бўлди.

– Тажрибамдан биламанки, юқори ҳосилдорликнинг бош омили – тупроқ соғломлигидир, – деган эди бундан бир неча йил олдин фермер билан суҳбатлашганимизда.

Ҳа, тупроқ ҳам инсонга ўхшайди. Дейлик сариқ хасталигига учраган инсонни даволаш учун унинг қонини тозалаш лозим. Худди шундай, тупроқ унумдорлигини ошириш, захни кетказиш учун заминнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш лозим. Бу борада юртимизда муҳим дастурлар асосида тарихий ишлар амалга оширилди. Минглаб гектар ерларнинг мелиоратив аҳволи яхшиланди. Улар орасида “Ҳосил” фермер хўжалигига қарашли ерлар ҳам бор. Агар истиқлолгача бўлган даврда (шу даврда ҳам у жамоа хўжалигида соҳа мутахассиси бўлиб ишлаган) шу ерларнинг гектаридан 60 центнергача пахта, 90-100 центнерлаб ғалла ҳосили олиш мумкин, деса Аваз аканинг ўзи ҳам ишонмасди. Бугун эса ҳамма ишонади, одатдаги ҳол дея қаралади. Чунки Истиқлол йилларида юртимизда давлатимиз раҳбари томонидан яратилган имкониятлар натижасида ана шундай самара юзага келди. Қолаверса, Аваз акадек фидойилар бор экан, бундай ютуқлар қайд этилаверади.

... Ёшлик – шижоату жўшқинлик даври. Орзулар олами. Табиийки, уларнинг амалга ошиши учун тинимсиз ҳаракат, изланиш, мустаҳкам ирода талаб этилади. Унда эса буларнинг барчаси мужассам эди. Аммо бугунгидек ёруғ йўл, бугунгидек имкониятлар йўқ эди. Ўша даврда Аваз Ҳосилов олий маълумотли бўлгач, хўжаликда ҳосилот бўлиб иш бошлади. Пишиқ ва пухта йигитнинг ҳаракатлари тезда кўзга кўринди. Бошқа тумандаги хўжаликка бош ҳосилотликка юборишди. У барчасини эплади. Хўжалик иқтисодини кучайтириш учун барча имкониятларни ишга солди. Аммо орзу бошқа, имкониятлар бошқа эди. Ўша даврда у кўп бора ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш таклифи билан чиқди. Боиси, унинг далалари Қорадарёга яқин жойлар – сизот сувлар жуда яқинлигидан ерни шўр босган, боз устига тошлоқ ерлар эди. Агар бу ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланса, юқори ҳосил олиш мумкинлигини аниқ ҳисоб-китоблар билан асослаб берди. Афсуски, таклифлар инобатга олинмади.

Ерга, элга қайишиш ҳисси унинг юрагидаги жасорат билан боғлиқ эди. Бу жасорат фақат Истиқлолнинг дастлабки йилларидагина куртак очди. Чунки бундай жасоратни қўллаб-қувватловчи юрт раҳбари бор эди. Шубҳасиз, фермер хўжалиги ташкил этиш, яна уни энг илғорлар сафига олиб чиқиш – булар ўз-ўзидан бўладиган иш эмас. Чунки фермерликнинг юки оғир. Қолаверса, бу иборанинг ўзи янгилик эди. Елкадаги жавобгарлик нафақат етиштирилган ҳосил, балки орият, виждон билан ўлчанади. Натижаларни эса унга ерни ишонган давлат, ҳосилидан манфаатдор эл кутиб турибди. Буни кўтармоқ ҳаммага тан эмас. Шу пайтга қадар фермерман, ер эгасиман деб кимлар ишламади. Кўплар кетмонни далада қолдириб, сафдан чиқди. Аммо “Ҳосил” фермер хўжалиги ўтган йиллар давомида ҳар жиҳатдан ўсди, юксалди. Хўжаликда бугунги даврда ғалладан, пахтадан тарихда бўлмаган юқори ҳосил олинмоқда. У бундай фидойилиги учун 2007 йилда Юртбошимиз фармонига биноан “Меҳнат шуҳрати” ордени билан тақдирланди.

Фидойи ва танти... Оддий ҳосилотликдан ўта масъулиятли ва ўта шарафли йўлни босиб ўтган Аваз Ҳосилов ҳақида гап кетганда, бу каби сифатларни ишлатмасликнинг сира иложи йўқ. Ҳамма уни шундай билади, шундай танийди. Унинг бу фазилатлари, айниқса, Самарқанд вилояти фермерлари кенгаши раиси сифатидаги фаолиятида яққол намоён бўлмоқда. Аслида бундай масъулиятнинг унга ишонилишининг ўзи ҳам у ҳақдаги эл-улус фикри қандай эканлигини билдириб турибди. Аваз ака бу вазифани масъулият билан уддалаб келмоқда. Бугун Аваз аканинг саъй-ҳаракати билан вилоятда кўп тармоқли фермер хўжаликлари сафи кенгайиб, уларнинг сони 4 мингдан ошди. Аввало, бу борада унинг ўзи барчага ўрнак. Президентимизнинг 2012 йил 22 октябрдаги “Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони фермерларнинг қанотини кенг ёзишга йўл очди. Шу ҳужжатдан фойдаланган “Ҳосил” фермер хўжалигининг бугунги иқтисодий куч-қувватини Ёдгорхўжа қишлоғидаги тикувчилик цехи, Қорадарё бўйидаги балиқчилик ҳавзаси даромадлари, қишлоқ аҳли хизматига шайланган автобус, аҳолига бераётган моддий кўмаги билан ўлчасак, бир киши шунча мартабага етар-да, дейишингиз табиий. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас экан, бугун у бир юртнинг, порлоқ келажак сари олға бораётган мамлакатнинг Қаҳрамони... Президентимизнинг шу йил 25 августдаги Фармонига мувофиқ Каттақўрғон туманидаги “Ҳосил” фермер хўжалиги раҳбари Аваз Ҳосилов Ватанимизнинг олий мукофоти – “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан тақдирланди.

– Биз кўнгли тоғ одамлармиз, – дейди Аваз ака. – Зотан, юртимиздаги тинч-хотиржам ҳаёт, Юртбошимизнинг халқимизни порлоқ келажак сари собитқадамлик билан етаклаб бораётгани ана шундай дейишимизга тўла асос бўлади.

**Нуриддин БОЛИЕВ,**
**“Qishloq hayoti” мухбири.**







**Бош муҳаррир:** Чори ЛАТИПОВ

**МУАССИСЛАР:** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:** Шуҳрат ТЕШАЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Содиқжон ТУРДИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Ботир СУЛАЙМОНОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
**Қабулхона** — 236-26-50, **Котибият** — 233-95-17, **Аграр масалалари бўлими** — 233-76-78, **Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими** — 236-26-49, **Маънавият ва маърифат бўлими** — 236-26-35, **Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими** — 233-76-78, **Факс** — 233-44-43, 233-09-93.

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:**
**Қорақалпоғистон Республикаси** – (+99890) 592-62-04; ВИЛОЯТЛАР: **Андижон** – (+99893) 630-73-03; **Бухоро** – (+99891) 401-29-59; **Жиззах** – (+99890) 310-06-99; **Навоий** – (+99894) 374-77-62; **Наманган** – (+99890) 278-95-87; **Фарғона** – (+99890) 407-76-03; **Самарқанд** – (+99893) 994-57-08; **Сирдарё** – (+99894) 168-23-60; **Сурхондарё** – (+99890) 519-86-50; **Тошкент** – (+99890) 976-39-58; **Хоразм** – (+99890) 438-71-25; **Қашқадарё** – (+99891) 635-08-03.

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР:** 236-26-50, 233-28-04.

**Навбатчи муҳаррир:** С.САЙДИСЛОМОВ
**Мусаҳҳиҳ:** Ҳ.АБДУҒАНИЕВ
**Дизайнер:** Н.ТЕМИРОВ

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.

Буюртма Г-819, ҳажми 2 босма табоқ.

Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.

Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 22.50
15837 нусхада чоп этилди. Нашр индекси — 144

**Манзилимиз:** 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

**E-mail:** info@qishloqhayoti.uz

Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41-уй.

1 2 3 4 5